

# **30 одимда фарзанд тарбияси**

## **12- одим**

[ Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي ]

*Солим Солих Аҳмад ибн Мозий*

**Таржимон:** *Абду Абдуллоҳ Шоший*

2015 - 1436

**IslamHouse**.com

ثلاثون خطوة عملية ل التربية الأبناء  
على العمل لهذا الدين  
«الخطوة 12»  
«باللغة الأوزبكية»

سالم صالح أحمد بن ماضي

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

## Ўн иккинчи одим

### Фарзандингиз саҳоватпеша, ийсор соҳиби<sup>1</sup> бўлиб етишсин

Болажонлар илк болалик даврларида бирор нарсага эгалик қилишни яхши кўришлари билан ажралиб турадилар. Зеро бу нарса барча инсонларда бўлган табиий туйғудир. Мана шунинг учун ҳам бу туйғуни тўғри томонга йўналтириш ота-онанинг зиммасига тушади. Бу эса Ансорларнинг хислати-ийсорни болажонларнинг кўнглига жо қилиш билан бўлади. Оллоҳ таоло Ансорлардаги бу хислатни мадҳ этиб шундай деган: “(Улар) ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар” (Ҳашр: 9).

Бу хислат ийсор, яъни ўзини қўйиб ўзгаларга илинишдир. Бу туйғу ийсорга қизиқтирган қисса ва ҳикоялар каби амалий ва билвосита йўллар билан болажонларнинг қалбига сингдирилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзгаларни ўзидан муқаддам қўймоқ, ўзининг эҳтиёжи бўлатуриб биродарларига илинмоқ.

## **Болажонларнинг шахсиятларининг шаклланишида уларни “ИЙСОР” билан безашнинг аҳамиятига доир амайли мисол ва қиссалар:**

1. Мұхожирлар Мадинага келгандаридан Расууллоқ соллаллоқ алайхи ва саллам Абдурраҳмон ибн Авф билан Саъд ибн Рабиъни ақа-ука тутинтириб қўйдилар. Саъд Абдурраҳмон ибн Авфга: “Мен Ансорлар ичидан бадавлат кишиман, мол-мұлкимни иккига бўлайин (ярми сенини бўлсин), иккита хотиним бор, улардан қайси бири сенга ёқса менга айт, унинг талоғини берайин, иддаси тугади дегунча никоҳлаб оласан”, — деди. Абдурраҳмон ибн Авф: “Оллоқ сенга аҳлингда-ю мулкингда барака берсин! Бозорларингиз қаерда?” — деди. Шунда унга Бану Қайнуқъ бозорини кўрсатиб қўйишиди. (Бозорга йўл олган) Абдурраҳмон

ибн Авф, кечга (ишлаб топган пулидан) орттириб пишлоқ ва сарёғ олиб қайтди.<sup>1</sup>

2. Бухорий тахриж қилган ҳадисда, Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Ансорлар Набий соллаллоху алайхи ва салламга: Хурмазорларни биз билан муҳожир биродарларимиз орасида бўлиб беринг”, деб илтимос қилдилар. У зот: “Бўлмайди”, дедилар. Шунда Ансорлар: “У ҳолда улар бизга парвариш қилишсин, ҳосилни улар билан бўлишайлик”, дедилар. Муҳожирлар ҳам “Бош устига”, деб қабул қилдилар”.<sup>2</sup>

### **Амалий мисол:**

Фарзандингизнинг пул сақловчи ғаладонига юз сўм пул солинг. Бир куни фарзандингизни олиб, муҳтоjlарга ёрдам берадиган хайрия жамғармаларидан бирига олиб боринг ва унинг кўз

---

<sup>1</sup> Бухорий ривояти (3780), Фатхул Борий (7/486).

<sup>2</sup> Бухорий ривояти (3782), Фатхул Борий (7/486).

ўнгида садақа беринг. Уйга қайтишда унга тенгдош бўлган болаларнинг изтироблари, қийинчиликлари ҳақида айтиб беринг. Эртаси куни ўша қийналган болаларга бироз эҳсон қилишни таклиф қилинг. Ўшанда унинг буни ҳеч иккиланмасдан қилишини кўрасиз. Чунки у сизнинг бу ишни унинг олдида қилганингизни кўрган эди.